

ВАТАНГА КЎПРОҚ ПАХТА БЕРАМИЗ

Колхоз ишлаб чиқаришининг 1971 — 1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик планининг асосий кўрсаткичлари ишлаб чиқилмоқда. Биз ҳўжаликнинг ўтган йиллар давомида кўлга киритган иқтисодий кўрсаткичларини ҳар томонлама, пухта таҳлил қилдик.

Деҳқончилик соҳасида ҳам, чорвачиликда ҳам маълум ютуқлар кўлга киритилди. Янги маҳсулот етиштириш кўпайди ва давлатга ҳам кўпроқ маҳсулотлар етказиб берилди. Бу, ҳўжалигимизнинг даромадига ҳам иқобий таъсир кўрсатди. Агар 1961 йилда 2150 минг сўм даромад олган бўлса, 1966 йилда 3.272 минг сўм даромад олдик. 1970 йилда 4 миллион сўмга яқин даромад олишни мўлжаллаб турибмиз.

Колхоз даромадини ўсиши ҳўжаликнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, ишлаб чиқариш ва маданий-маиший бинолар қуришни кенгайтириш юборишга, қишлоқ меҳнаткашларининг фаровонлигини оширишга имкон берди. Утган беш йиллик давомида колхоз ҳар йили қурилиш-монтаж ишларига ўртача бир миллион сўмгача маблағ сарфлаб келди. Юзлаб колхозчи оилалари янги, ҳамма қўлайликларга эга бўлган уйларига кўчиб ўтидлар. Янги чорвачилик фермалари, ремонт-механика устaxonаси, ўн йиллик мактаб биноси, болалар богчаси ва яслиси, дала шипонлари, стадион, маиший хизмат кўрсатиш комбинати, магазинлар ва бошқа объектлар қурилиб, ишга туширилди.

Лекин ишимизга тақидий кўз билан қарасак, ҳўжалигимизнинг асосий соҳаси — пахтачилик бир жойда тўхтаб турганини кўраемиз. Бизнинг республикамизнинг кўпчилик ҳўжаликларида ва мамлакатнинг пахтачилик билан шугулланган бошқа районларида ҳам шундай ҳол юз бермоқда. КПСС Марказий Комитетининг июль Пленумида пахтачиликни ривожлантириш сўравлари кейинги йилларда сувайириш юборилганлиги қаттиқ тақид қилинди ва пахта етиштиришни йил сайин кўпайтириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Хўш, бизнинг колхозимизда суғориладиган деҳқончиликнинг етакчи тармоғи ҳисобланган ана шу соҳанинг аҳоли қалай 1961

НАМАНГАН ОБЛАСТИДАГИ ЛЕНИН НОМЛИ КОЛХОЗ ЯНГИ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚМОҚДА, ПАХТА ЕТИШТИРИШНИ ЯНАДА КЎПАЙТИРИШ РЕЗЕРВЛАРИНИ ҚИДИРМОҚДА

Йилда колхоз 5.360 тонна, 1966 йилда 5.845 тонна, 1969 йилда эса 5.854 тонна пахта етиштириб, давлатга сотди. Кейинги уч йил давомида ўртача ҳосилдорлик 37 центнердан 35,5 центнерга камайди.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленумида бу аҳолининг сабаблари айтиб ўтилди. Бу гаплар бизнинг колхозимизга ҳам тўла тааллуқлидир. Энг аввало пахта-беда алмашлаб экишга эътибор берилмай қўйилганлиги, пахтазорларда экиннинг кавфли касаллиги — вилтнинг тарқалиб кетганлигини айтиб ўтиш керак. Колхоздаги ҳайдаладиган ерларнинг қариб учдан икки қисми вилт билан зарарланган, айниқса у илгаридан экин экиб келинаётган ерларга жиддий зарар етказмоқда.

Далил учун биринчи участкадаги ерларни мисолга олиб қўрайлик. 1966 йилгача бу — массивдаги 560 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ҳар йили ўртача 44-45 центнердан ҳосил олиб келинган эди. Вилт тарқала бошлаган кейинги тўрт йил давомида бу майдонларда ҳосилдорлик 10 центнерга камайиб кетди. Экинларга берилмаган минерал ўқитларнинг миқдорини кўпайтириш ҳам, яхши суғориш ҳам, гўза қатор оралиқини сидратли ишлаш ҳам ҳосилдорлик пасайиб кетишининг олддини ололмади. Вилт билан зарарланмаган майдонларда бу тадбирлар жуда катта фойда берди ва шу тўрт йил давомида бу майдонларда ҳосилдорлик 12-15 центнер ўси.

Пахта-беда алмашлаб экиш усули жорий этиш — вилтга қарши энг таъсирли омил бўлиб, у суғориладиган майдонларнинг умумдорлигини оширишга ҳам хизмат қилади. Мана бир мисол: биринчи бригадда гўзалар вилт билан зарарланган 1965 йилда ҳосилдорлик 27 центнерга тушиб қолган эди. Бедазорларнинг ва маккажўхори майдонларининг кенгайтирилиши, алмашлаб экиш усулининг кенг жорий этилиши натижасида тупроқ тез соғломлашди, экинларнинг омилдор-

лик билан алмашлаб экилиши натижасида 1969 йилда бу бригаданинг ҳар гектар еридан 44,6 центнердан пахта териб олинди.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми янги беш йиллик давомида пахтакор колхоз ва совхозларнинг ҳаммасида алмашлаб экиш усулини тўла жорий этиш, ҳосилдорлигини ошириш ва пахтачиликни муттасил ривожлантириб бориш юзасидан қатъий кўрсатма берди.

Янги беш йиллик планда алмашлаб экиш усулини тўрт жорий этиш, суғориладиган ерларда деҳқончилик маданиятини оширишни асос қилиб олдик. Колхоз алмашлаб экиш юзасидан бошланган ишларини 1973 йилда ниҳосига етказди. Пахта майдонлари ҳар уч йилда алмаштириб турилади.

Тупроқни соғломлаштириш, вилтти йўқотиш фақат экинларни алмашлаб экишга боғлиқ бўлмай, алмашлаб экиган экинларнинг ҳосилдорлиги ҳам боғлиқдир. Ўз-ўзидан маълумки, беда-маккажўхори юқори агротехника қондалари асосда парвариш қилинган майдонларда экин яхши ўсмайди, мўл ҳосил беради. Бинобарин, бу майдонлардан вилт ҳам тез йўқотилади. Ҳозир бизда ҳар гектар бедазордан ўртача 81 центнер қуруқ пичан, ҳар гектар маккажўхоридан 345 центнердан силосбоп қўқоқ олинмоқда. Янги беш йилликда бедазорлардан 120 центнерга беда, маккажўхорининг ҳар гектаридан 650 центнерга қўқоқ олинади.

Булар амалда бажариладиган вазифалардир. Тўражон Жўраев бошлик ет-хашак тўплаш бригадаси ўтган йиллик 75 гектар бедазорининг ҳар гектаридан 105 центнердан беда пичани, 80 гектар маккажўхорининг ҳар гектаридан 560 центнердан силосбоп қўқоқ олди.

Пахта етиштиришни кўпайтириш ва вилтга қарши кураш уруғчиликка ҳам боғлиқ. Кейинги уч йиллар давомида колхоз пахта-ниг 149-Ф нави серхосил, узун

толали уруғини экиб келди. Ҳўжалик бу сортадаги уруғни етиштиргани учун 10 процент қўшимча ҳақ олди. Лекин кейинги йилларда бу навадиги уруғ вилт билан қаттиқ зарарланиб, ҳосилдорлиги ҳам пасайиб кетди. Шу сабабли биз вилт билан зарарланган майдонларга икки йилдан буён Ўзбекистон ССР Фанлар академияси экспериментал биология таъриб институтини яратган «Тошкент-2» нави чигитни экяпмиз. Бу нави чигит анча қийин ушиб, пахтакорларнинг ишини қўпайтириш ҳам, қўқоқлари маддорек бўлса ҳам, колхозда бу нави уруғка катта майдонлар ажратиб берилди. Чўчин у бизнинг шайхонимизда вилтга чидамлидир.

Ўтган йили 38 гектар майдонга таърибга учун «Тошкент-2» чигитини эдик. Гўза яхши парвариш қилиниши натижасида ҳар гектар майдондан 40,4 центнердан ҳосил олинди. Бу майдонлардан икки процентга етар-етмас гўза вилт билан зарарланди. 149-Ф чигит экиган майдонларда эса 50—70 процент гўза вилт билан касалланди. Бу йил колхоз ўзимизда етиштирилган «Тошкент-2» чигитини 800 гектардан ортиқ майдонга эдик. Экин яхши ривожланмоқда. Июлнинг ўрталарида бу майдонлардан ҳар тўп гўзада 5—6 тедан қўқоқ санадик.

Кенг қаторларда гўза ўстириш пахтачиликни янада ривожлантиришга катта имкониятлар очиб беради. Ўтган йили ва ундан олдинги йили биз янги усул бўйича гўза ўстириб, яхши ҳосил олдик.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми суғориладиган майдонларнинг ҳар қарчидан умумли фойдаланиш, бу майдонларнинг умумдорлигини муттасил ошириб бориш ва қадралини алоҳида кўтариб ўтди. Ҳар бир гектар ерни ўзлаштириш ва суғоришга қанчадан қанча куч, маблағ сарфланади. Бизнинг ерларимиз тоғ бағриларидан жойлашганлиги сабабли қўшимча меҳнат ҳам қилинади. Чўкин биз янги ўзлаштириш ерлар шўғал босган майдонлардир. Техника

бўйида ва қўл кучи билан катта тошларни пайкалдан четга чиқариб тўқамиз. Майда шўғалларнинг ўстига тупроқ тўқамиз. Шундай қилиб ҳар қарч ерни меҳнат билан «барпо этишимиз» десак бўлади. Ҳар гектар ерга бир неча минг куб метр тупроқ келтириб тўқамиз. Шу сабабли ҳам суғориладиган ерлар биз учун жуда қадридлир. Колхоз бу майдонларнинг ҳосилдорлигини ошириш, суғи ва шамол эрозиясига қарши кураш учун қўл ишлар қилмоқда.

Селлар ҳам бизнинг далаларимизга ва ҳосилмизга катта зарар етказиб туради. Соғирдан пишириб келадиган сел экинларимизни пайқон қилиди, суғи ишотларини бузди, айрим пайда ларда эса қишлоқларимизга ҳам зарар етказди. Кейинги йилларда селга қарши тўқилар қурилди. Саровской, Пуникой, Чадак-сояларда катта дамбалар барпо этилди. Соғирларнинг қирғоқлари кўтарилиб, сел ўтказгичлар қилинди. Суғи тез оқадиган қирқларнинг 14 километри бетонлаштирилди. Бу, селнинг олдини олишдан ташқари, сувнинг буғлини кетишига, ерга шимиллиб кетишига йўл қўймайди.

Колхозимиз далаларидан Сирдарё оқиб ўтади. Баҳор тошқинларида дарёнинг суви қирғоқдан оқиб, атрофдаги экинзорларга ёйилади. Суғи тошқинлари ҳар йили ҳўжалигимизга катта зарар етказиши. Ҳозир Сирдарё қирғоқлари мустаҳкамланди. Селларлар кўйдиқ. Қирғоққа 40 минг куб метр тош ва шўғаллар тўқилди. Ер ости суғури юқори бўлган Гўнгов ва Задарь массивларида янги зовурлар қазилди. Колхоз кейинги икки йилнинг ўзидеёқ бу ишларга 125 минг сўм маблағ сарфлади.

Янги беш йилликда ҳам суғориладиган майдонларни кенгайтириш ва умумдорлигини ошириш соҳасида катта ишлар қилинади. Чадакской, Саровской, Пуникой ва янги Анхор ариғини бетонлаштириш мўлжалланмоқда. Пўнгов массивида бир неча қудуқ қазил-

либ, вертикал дренажлар қурилади. Янги ерларга суғи олиш учун Шимолйи Фарғона каналда насос станцияси қурилади. Катта қуёурлардан суғи 40 метр баландликка кўтарилади.

Об-ҳаво нуқулай келган кейинги икки йилда ҳам биз ҳосилдорлигини 35 центнердан туширмаган эканмиз, бунда эвено ва эвено-чиликнинг хизмати каттадир.

Янги беш йилликда биз бригад-эвено системасини янада такомиллаштирамиз. Эвенолар пахта етиштириш техникасининг бир комплектига мослаштириб тўзилади. Шунда колхознинг техника билан қуруланишдан манфаатдорлиги ошади, меҳанизатор кадрлар тайёрлашга эътибор кў-чайтирилади.

Ҳозир колхозда 176 трактор, 44 пахта териш машинаси, гапла ва маккажўхори ўрадиган комбайнлар, 55 автомашина, техника секланадиган катта парк бор. Ҳўжаликда 214 меҳанизатор ишлаб турибди. Лекин кадрларимиз ҳали етарли эмас. Кўп машинлар фақат бир сменада ишлатилмоқда. Биз қудратли, кенг қаторларда ишлайдиган машиналарни олишмиз била, уларни икки-уч сменада ишлатиш тадбирларини ҳам кўраемиз.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатади, машиналарни икки-уч сменада ишлатиш учун меҳанизаторлар сафини ҳам икки баравар кўпайтиришимиз керак. Янги беш йилликда биз ишларни ҳунар-техника мактабларида, махсус курсларда ўқатамиз, малакали меҳанизаторларга шогирдликка қўямиз. Бизда бунақа меҳанизаторлар бор. Мирзали Тожибоев, Йўлдошали Йўлчиев, Фозилжон Собиров, Собиржон Турсунов ва бошқа меҳанизаторлар тракторни ҳам, пахта териш машинасини ҳам, комбайнларини ҳам жуда яхши билишади. Улар ҳар бир ишни кўнгилдагидек бажариб, энг юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Бу меҳанизаторларнинг ҳар бири бир нечтадан меҳанизатор тайёрлашган.

Қизиларимиз ҳам меҳанизатор-

лик касбини ўрганишмоқда. Анорхон Эргашева, Маърифат Сулаймонова, Замира Жўраева каби тракторчилар меҳанизациялаштирилган пахтачилик бригадаларига бошликлик қилиб, йигиттерим даврида ўзлари пахта териш машинасини бошқариб, қўллаб-қўлтиришмоқда.

Колхоз правлениеси, партия комитети мутахассислар, бригадирлар, чорвачилик фермаларининг бошлиқлари билан бамаслаҳат ҳўжаликдаги резервларни, имкониятларни ҳисобга олиб қиқди, янги беш йилликнинг асосий кўрсаткичларини мўлжаллади; Юқорида айтиб ўтганимиздек, янги беш йиллик планда деҳқончиликда фан ва таърибга асосланган ҳамда алмашлаб экишни жорий этиш, меҳанизат ташкил этишни такомиллаштириш, пахтачиликни, чорвачиликни, шолчиликни, богдорчилик ва сабза-вотчиликни оқсатириш учун машина-трактор паркидаги техникадан, ишчи кучларидан оқилона фойдаланамиз.

Колхоз янги беш йилликда суғориладиган майдонларни 1105 гектарга кенгайтиришни мўлжалламоқда. Бу, экин майдонларини ҳозиргига нисбатан 48 процент кўпайтириш имконини беради. Мўлжалларимиз катта. Колхозчиларимиз ҳозирқоқ ва вазифаларини бажаришга астойдил киришди.

Колхоз янги беш йилликда меҳанизациялаштиришга оғрада тузилди. Экин майдонларининг кенгайтирилиши колхозда 1975 йилда охирига бориб ҳар йили 6900 тонна пахта етиштириш имконини беради. Бу, бу йил етиштирилган пахтага нисбатан 1128 тонна кўпдир. Янги ҳосилдорлик 21 процент ўси. Алмашлаб экишни жорий этиш, кенг қаторларда, гўза ўстириш ҳамда янги нави чигит экиш натижасида кўп йиллардан буён чигит экиб келинаётган майдонлардан ҳам қанда 35 центнердан ҳосил олишга ҳаракат қиламиз.

КПСС Марказий Комитети июль Пленуми (1970 йил)нинг қарорлари бутун совет халқи каби бизнинг колхозимиз меҳнаткашларини ҳам руҳлантириш юборди. Колхозчиларимиз бу қарорларни ҳаракатимизга бош астуриб, қўл-қўнғи деб қабул қилдилар. Шу қўларда экин бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

А. ОДИЛОВ,

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин номида колхознинг раиси.

Ўзбекистон ССР Наманган обл-лаестидаги Поп райони.



„ПОЛИТОТДЕЛ“ КОЛХОЗИНИНГ ФЕРМАЛАРИ

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленумида Ўрта Осиё республикаларидаги чорвачиликнинг аҳоли асосли равишида тақид қилинди. Суғориладиган деҳқончиликнинг имкониятлари ҳозир бизнинг зонамиздаги колхозлар ва совхозлар етиштиришга нисбатан кўпроқ гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотларини етиштириш имконини беради. Ана шу имкониятлар пахтакор ҳўжаликларнинг ҳарактерида, улар экватан экинларнинг структурасида мавжуддир. Эндиликда пахта-беда алмашлаб экишни жорий қилмасдан туриб пахта етиштиришни янада кўпайтиришни таъминлаб бўлмайди. Бизнинг шароитимизда алмашлаб экишни тўғри жорий қилиш деган сўз беда ва маккажўхори экиладиган майдонларни кенгайтириш, бу қимматли озуқабоп экинлар экиладиган майдонларни кенгайтириш деган маънони билдиради. «Суғориладиган ерларда бедазорларни кенгайтириш, — деди урқот Л. И. Брежнев Пленумда, — пахтакор республикамизда озуқа базасини мустаҳкамлаш ва шу тарихи чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш имконини беради».

«Политотдел» колхозини — пахтани ҳам, фермаларининг маҳсулотларини ҳам қўллаб етиштиришда ҳўжалик. Бу йил маълумот ҳўжалик далавларидан 6.000 тонна пахта олади. Кейинги тўрт йил мобайнида йилга ўрта ҳисобдан 4.209 центнер гўшт, 16.390 центнер сут, 404 минг донга туҳм етиштирилади. Чорвачилик ҳозир қандай кўрсаткичлар билан ҳаракторланади? Колхознинг 4 та фермаси: қорамол, қўйчилик, паррандачилик ва йилқичилик фермаси бор. Қорамол фермасида 2.250 бош мол, шу жумладан 720 бош сиғир бор. Отарларда 10 минг бош қўй, паррандачилик фермаларида туҳум қилдиган 5 мингта товуқ бор. Йилқичилик фермасида 400 та от бор. Ўтган тўрт йил мобайнида ҳар бош сиғирдан йилга ўрта ҳисобда 2.313 килограмм сут соғиб олинди. Бу йил сиғирлардан сут соғиб олиш анча қўлайди. Дастлабки олти ой мобайнида ҳар бир сиғирдан 1.408 килограмм сут соғиб олинди. 12 ойликча бўлган бузуклар ҳар кеч-қурунда 650-700 грамм се-

«Политотдел» колхозини мамлакатга йилга 6000 тонна пахта, 420 тонна гўшт, 1.639 тонна сут етказиб беради * Колхоз пахта-беда алмашлаб экишни жорий этмоқда ва шу асосда далалар ҳосилдорлиги ортишини таъминламоқда, фермаларда маҳсулот етиштиришни кенгайтирмоқда * Чорвачиликнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда, маҳсулдорлик ортмоқда, моллар туғиб кўпаймоқда.

мироқда. Бизда қорамоллар 2-3 ой мобайнида сўқимга боқилганча бир кеча-қурунда 1 килограмм 200 граммгача семирмоқда. Бузуклар вази 300-350 килограммга, қўйлар 40-45 килограммга етказиб гўшта топишмоқда.

Бу йилга қадар чорвачилик жамоат кассасига фойда келтирмас эди. Жуда яхши бўлганда ҳарajat билан даромад баббаравар келарди, баъзи йилларда эса фермалар зарар ҳам кўрарди. Бундай аҳолининг асосий сабабларини деярли ўз озуқа базамизнинг маҳсулдор моллар сонига номувофиқлиги эди. Колхоз давлатдан олмакта ем сотиб олишга мажбур бўларди.

Биз КПСС Марказий Комитети июль Пленуми талаблари асосида чорвачиликнинг аҳолини аналзи қилиб, ана шу тармоқнинг ҳозирги даражаси йирик сановат марказлари — Тошкент, Чирчиқ, Олмалик, Ангрен, Бекобод аҳолисини янги маҳсулот билан таъминлаш соҳасидаги тобора ўсиб бораётган талабларни қондириш вазифасига мос келмаётганлигини қўқидик. «Политотдел» колхозини билан Тошкентнинг ораси ярим соатлик қўл. Ҳўжаликнинг фермаларида соғиб олинган сут ордан икки соат ўтар-ўтмас бевосита истеъмолчига етказиб берилади. Бу жуда катта имкониятдан тўла-тўқис фойдаланиш керак.

Чорвачиликни янада ривожлантиришни асосий кўрсаткичларини белгилаш вақтида, ўтган тўрт йилдаги ўртача йиллик кўрсаткичига нисбатан 1975 йилда 40 процент етиштиришга саликам 60 процент кўпайтиришга қарор қилдик. Янги гўшт етиштириш йилга 4.200 центнердан 5.800 центнерга, сут 16.390 центнердан 26.000 центнерга етади. Чорва маҳсулдорлигини ошириш ҳисобига ҳам, чорва молларининг туғиши зарур миқдорда кўпайтириш ҳисобига ҳам маҳсулот етиштиришнинг ана шундай ўсиши таъминланади. Ҳар бир сиғирдан сут соғиб олиш йилга 2.313 килограммдан 3.500 килограммга

етади. Соғин сиғирлар — 750 бошга, қўйлар — 14 минг бошга, паррандалар — 10 минг бошга, йилқилар — 560 бошга етади. Бу режалар ўзимиз етиштириладиган ет-хашакнинг муттасил қўлайлигига асосланади. Ҳозир ҳўжаликда 660 гектар майдонга озуқабоп экин экилган. Бедазорнинг ҳар гектаридан олинмаётган ўртача ҳосил 85 центнерга етиб қолди. Гектар бошга 700 центнер силосбоп маккажўхори, 68 центнер маккажўхори дони олинмоқда. Суғориладиган далаларнинг умумдорлигини қондириш, деф ҳисобламаймиз. Лекин қўқилдорлигини янада ошириш қўқилдан-қўқил қуч-гайрат сарфлаш, қўқилни тадбирларини амалга ошириш, даставвал алмашлаб экишни тўла жорий қилишни талаб этишини тушунамиз.

Ҳозир бутун суғориладиган майдоннинг 16 процентига беда, маккажўхори ва илдиэмеза экинлар экилмоқда. Алмашлаб экиш жорий қилиш суғулобп экин майдонларининг озалоқини 22 процентгача етказиш имконини беради. Бу эса бедаюла, маккажўхориюла ва илдиэмеза учун 906 гектар суғориладиган ер ажратилади, деган маънони билдиради. Озуқабоп экин майдонларини асосан экинларнинг структурасини ўзгартириш натижасида кенгайди. Нуқулай ерларни ўзлаштириш йўли билан ҳам озуқабоп экин майдонлари бирмунча кўпайтирилади.

Алмашлаб экишни жорий қилиш, бошқа агротехника тадбирларини гектар бошга пахта ҳосилдорлигини 35 центнерга, канопловаси ҳосилни 180 центнерга етказиш имконини беради. Шундай ҳосил кўтариш йўли билангина ҳўжаликка пахта ва каноп янги ҳосиллигини ўстириш юзасидан бериладиган топиришни бажариш билан бирга озуқабоп экин майдонини кенгайтириш мумкин бўлади.

Колхоз бутун ўз далаларидан 4.733 тонна озуқа беришти, шу жумладан суғориладиган далалардан 3.301 тонна озуқа беришти етиштириб олди. Ҳўжалик 1975 йилдаёқ 6.870 тонна озуқа

беришти, шундан суғориладиган ерларда 5.438 тонна озуқа беришти етиштирди. Уш а вақтга бориб, озуқача бўлган умумий эҳтиёж 10 минг тонна озуқа берилади етади. Етишмайдиган уч минг тоннадан зиёдор озуқа беришти ҳам колхоз далаларидан етиштирилади. Бунинг биз чигит кўнжаридан ва лалии галакорликдан оламиз.

Биз бедаюла, маккажўхориюла, илдиэмеза экиладиган майдонларни кенгайтиришнинг мўлжаллаб қўлмай, ана шу экинларнинг ҳосилдорлигини анча оширишни ҳам мўлжаллапмиз. Ҳозир ҳар гектар бедаюладан ўрта ҳисобда 85 центнерга яқин пичан ўриб олинмоқда. Келгуси йилларда гектар бошга 120-130 центнерга қадар беда ҳосили оламиз. Агротехникани яхшилаш, пичан ўриш, муҳаббатини анча кенгроқ меҳанизациялаш масудда бедаюла ҳозир уч-тўрт марта ўриш ўрнига беш марта ўриб олиш имконини беради.

Беда — деҳқонларга маълум бўлган энг яхши экинлардан бири. Беда — гўзадан олдин экинлардан бебаҳо кўн. У экинлар тупоқда қўқоқ кўн азот ҳосил бўлади беда ерининг умумдорлигини тез оширишга, тупроқ таркибининг тўғри шеклланишига ёрдам беради. Бедаюладан далаларни қўқанинг энг зарарли душманни йилдан тозалаб беради. Колхоз янги беш йилликнинг охирига бориб, йилга чигит экиш учун бедаюладан бўлган, уш юз гектар ерни ажратиб беришга қодир бўлади. Ана шу соғлом ва бўлиқ ерда гектар бошга пахта ҳосилдорлиги 5-6 центнер оширилади.

Шундай қилиб, беда бир йўла икки вазифани ўтайди, шу сабабли ҳам у гўшт зўр диққат-эътиборга сазовордир. Шунинг айтиш керакики, ҳозирқоқ айрим бригадаларимиз ана шу экиндан қўл ҳосил олишмоқда. Масалан, Қўдаев Эргашев ва Гимен Гимен бошлик бригадаларда бу йил дастлабки икки ўрмидеёқ гекта-

ридан 70 центнер пичан олинди. Худди ана шу бригадалар пахтадан ҳам юқори ҳосил олаётганлиги тасодифий ҳол эмас.

Озуқа базасининг мустаҳкамлаш, экин майдонларининг кенгайтирилишига ва озуқабоп экинлар ҳосилдорлигини оширишга боғлиқ эмас. Айни пайтда ана шу экинлар ҳосилини йиғиштириб олишни яхшилаш, жадаллаштириш керак. Ана шу экинларни, мисол учун, бедаюла йиғиштириб олишнинг қандай қилиб тўла-тўқис меҳанизациялаштириш мумкин? Озуқа моддаларининг кўпчилик қисми бедаюла бергиде бўлади. Лекин беда кўриб қолиши билан берги тўқилиб кетади, чапа қурилади бедаюла эса асраш қилин бўлади. Тўғри, бедаюла йиғиштириб оладиган машиналар бор, бу маънода экинларнинг қаторида яхшилик ҳам бор. Лекин ҳозирча бу машиналар жуда кам ҳисобланмоқда. Бошқа озуқабоп экинларни парвариш қилиш ва йиғиштириб олиш учун қўқ қеладиған техника ҳам, ҳўжаликларнинг бевосита ўзида омухта ем етиштиришнинг комплекс меҳанизациялаш учун қўқ қеладиған техника ҳам етishмайди. Уйлаймизки, тез орада бундай ускуналарни ишлаб чиқариш қўлга қўйилади, омухта ем етиштириш учун зарур нарсалар билан ҳўжаликларни таъминлаш масаласи ҳам ҳал қилинади.

Чорвачиликка оқсими озуқа керак. Ҳўкумат ўз вақтида пахта ҳам аёси қайта ишлангандан кейин олинмайдиган қўқарча ва шўлулар билан пахтакор ҳўжаликларни таъминлаш тартибининг ўрнатган эди. Бу қарорни ҳеч қим бекор қилмаган бўлса ҳам, лекин кейинги йилларда қарор ҳамма жойда ҳам тўла бажарилаётган, деб бўлмайди. Бу қарорни тўла-тўқис қўқга киритиш зарур, деб ўйлаймиз.

Бизнинг чорвачилик соҳасидаги режаларимиз ишлаб чиқариш бинолар, қуришни кенгайтириш, фермаларни меҳанизациялаштириш билан ҳам боғлиқ. Гўшт, сут

ва бошқа маҳсулотларнинг ҳарид нархлари оширилишидан қеладиған маблағларнинг ҳаммаси ана шу мақсадларга сарфланади. Махсус лот сотишининг мўлжалланган даромадга ўсишини ҳисобга олганда ҳўжаликнинг гўшт, сут, жўн, пилла ҳарид нархларининг ортишидан қўқидиган қўқимча даромади био миллион сўмдан ортиб кетади. Бу маблағ колхозга янги фермаларни қуриш ва тўла

П. 14526